



СОҒЛИҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВДА МАХСУС БИЛИМЛАРДАН Фойланишдаги муаммолар: назария ва АМАЛИЁТ

Исмамов Иномжон Неъматиллаевич*

Ўзбекистон Республикаси ИИБ хузуридаги Тергов департаменти
бўлим бошлиғи, подполковник

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8228937>

ARTICLE INFO

Received: 03th August 2023

Accepted: 08th August 2023

Online: 09th August 2023

KEY WORDS

Инсон қадр, экспертиза, соғлиқ, жиноят, декларация, текширув, қарор, суд-тиббий.

ABSTRACT

Мазкур мақола мамлакатимиз инсон қадрини улуғлаш шиори остида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, амалдаги қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиёти, хорижий давлатлар ижобий тажрибаси таҳлили асосида суд-тергов амалиётида соғлиққа қарши қаратилган жиноятларни тергов қилиш давомида махсус билим ва криминалистик услублардан самарали фойдаланиш, суд-тиббий ва суд-психиатрия экспертизаларни тайинлаш ва эксперт хулосаларини тўғри баҳолаш, шунингдек қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар доирасини аниқлаш ва улар бўйича ўтказилиши талаб этиладиган тергов ва процессуал ҳаракатларда юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечимига бағишланади.

амлакатимизда сўнгги йилларда изчиллик билан олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар бизга олдимизда ҳал этилиши лозим бўлган кўплаб масалалар қаторида қонун устуворлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини ҳам тубдан ислоҳ этиш лозимлигини кўрсатиб қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январидagi ПФ 60-сонли “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида энг муҳим йўналишлардан бири сифатида мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш эканлиги кўрсатиб ўтилгани ҳам бизни юқоридаги фикримизни тасдиқлаб турибди.

Олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад “Инсон қадр учун” тамойили асосида мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқарони ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, инсон қадрини юксалтирилган эркин фуқаролик жамиятини яратишдан иборат. Бунда, энг муҳим масала фуқароларимизни турли жинойат тажовузлардан ҳимоя қилишдан иборат бўлиб қолаверади. Чунки, ҳар қайси



даврларда ва жамиятда шахнинг эркин ва фаровон ҳаётига, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига жиноятчилик ва бошқа тажовузлар натижасида путур етказилган. Шунинг учун энг аввало, қонун устуворлигини ва қонун олдида барчани тенглигига эришиш лозим. Шундагина содир этилган жиноятлар бўйича жазо муқаррарлигини таъминлаш мумкин бўлади. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 7-моддасида “Барча одамлар қонун олдида тенгдир ва ҳеч бир тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир” - деб бежизга келтириб ўтилмаган¹.

Шунинг учун бугунги кунда Республикамизда содир этилаётган жами жиноятларни учдан бир қисмини ташкил қилаётган инсон ҳаёти ва соғлиғига тажовуз қилувчи жиноятлар тенденциясини ҳар доим назорат остида бўлиши, уларнинг кўпайиб боришининг олдини олиш ва баргараф этишга қаратилган кескин чоралар кўрилиши лозим.

Соғлиқ инсонга генетик томондан берилувчи ва инсон учун муҳим бўлган табиий бойлик ҳисобланиб, ҳар қандай давлат томонидан жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади. Соғлиқни ҳимоя қилиш ҳуқуқи – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун нормалари билан мустаҳкамланган ва кафолатланган инсоннинг асосий ҳуқуқларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади².

Инсон, унинг ҳаёти, шу билан бирга соғлиғи табиий ҳуқуқлар саналади. Шу боис, мазкур ҳуқуқлар халқаро ҳужжатлар билан, жумладан, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси³ ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт⁴ билан мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгаликлари ва давлат ёши, жинси, ирқи, миллати, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар фуқароларнинг соғлиғи сақланишини кафолатлайди⁵.

Инсон соғлиғига шикаст етказилиши уни йўқотилган соғлиғини тиклаш билан шуғулланишга, даволанишга, янги ноқулай шароитларга мослашишга мажбур қилади. Шу боисдан ҳам инсонни олий қадрият сифатида, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини эътироф этган ҳолда, давлат жиноят-ҳуқуқий воситалар билан ҳам инсон соғлиғи сақланишига қаратилган қоидаларга фуқаролар томонидан риоя этилишини таъминлаши лозим.

Хусусан, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисми I-бўлимнинг II-боби “Соғлиққа қарши жиноятлар” деб номланган бўлиб, ушбу бобда

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13-моддаси. Электрон манба <https://lex.uz/docs/20596>

³ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>

⁴ Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт <https://www.lex.uz/docs/2686000>

⁵ Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги 265-I-сонли Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонуни.



баданга етказилган шикастнинг даражасига қараб қуйидаги жиноятлар оғиридан энгилига қараб таснифланган: қасддан баданга оғир шикаст етказиш (ЖК 104-модда); қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 105-модда); кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 106-модда); зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш (ЖК 107-модда); ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарурий чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш (ЖК 108-модда); қасддан баданга энгил шикаст етказиш (ЖК 109-модда); қийнаш (ЖК 110-модда); эҳтиётсизлик орқасидан баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш (ЖК 111-модда).

Соғлиққа қарши жиноятларни юридик таҳлил қиладиган бўлсак, А.А.Отажонов соғлиққа қарши жиноятлар деганда, инсон органлари ёки организми тўқималари анатомик бутунлиги ёки улар физиологик функциясининг ташқи таъсир оқибатида бузилиши, ёхуд инсонга жисмоний жиҳатдан оғриқ берувчи, шунингдек, унинг руҳияти бузилишига олиб келишда ифодаланган қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги ҳуқуққа хилоф қилмишлар тушунилишини таъкидлаб, Жиноят кодекси назарда тутилган соғлиққа қарши жиноятларни биринчи баданга турли даражада шикаст етказиш мумкин бўлган (ЖК 104–109, 111-м.) ва иккинчи қийнаш билан боғлиқ бўлган соғлиққа зарар етказиш (ЖК 110-м.) мумкин бўлган жиноятларга ажратишни таклиф қилган⁶.

Таҳлил қилинаётган жиноятларнинг бевосита объекти бошқа шахснинг соғлиғини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Мазкур жиноятлар содир этилиши натижасида қандай бўлмасин аниқ бир шахс организмнинг муайян физиологик ҳолати ёки руҳияти бузилишига сабаб бўлади. Шунинг учун инсон соғлиғи бузилишига олиб келган ҳар қандай соғлиққа зарар етказишни соғлиққа қарши жиноятлар деб қараш лозим. Бунда жабрланувчининг ёши ёки ҳолати ҳеч қандай аҳамият касб этмайди, балки унинг у ёки бу биологик сифатлари ва муайян вақтда жабрланувчининг фактик соғлиқ ҳолати инobatга олинади.

Соғлиққа қарши жиноятлар фактлари бўйича ишни судга қадар юритишнинг бирламчи босқичи – терговга қадар текширув бўлиб, унда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчи жиноят иши қўзғатиш учун асос ва сабаб мавжудлигига доир масалани ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 320¹-моддаси мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, терговга қадар текширув судга қадар юритишнинг янги босқичи бўлиб, ишни судга қадар юритиш жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар қабул қилинган пайтдан бошланади ҳамда терговга қадар текширувни ва жиноят ишини тергов қилишни ўз ичига қамраб олади.

“Терговга қадар текширув” тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар

⁶ А.А.Отажонов “ Шахсга қарши жиноятлар” ўқув қўлланма. Т., 2012 -Б. 24-26.



киритиш тўғрисида” ги ЎРҚ-442-сон қонуни қабул қилиниши билан жиноят-процессуал жиҳатдан янги тушунча сифатида кириб келди. Айнан ушбу қонун билан судга қадар юритиш босқичи терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов каби босқичларга бўлинди.

Ҳозирги кунда юридик адабиётларда терговга қадар текширув тушунчасига оид турли ҳил қарашлар мавжуд. Жумладан, Д.М. Миразовнинг фикрига кўра, терговга қадар текширув жиноят процессининг бирламчи босқичи бўлиб, унда жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар текширилиши ва жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатмаслик масаласи ҳал этилади. Ушбу босқичда жиноий қилмиш натижасида жабрланган фуқароларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни амалга ошириш жараёни бошланади⁷.

Д. Кенжабоевнинг таъкидлашича, терговга қадар текширув жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлган жиноят излари, нарсалар ва далилларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига олади⁸.

Яна бир олим Б.Т. Безлепкин жиноят ишини қўзғатиш босқичида қонуний асослар ёки сабабнинг мавжудлиги ёки йўқлигини текшириш ёзма материаллар ва тушунтиришларни талаб қилиб олиш, ҳужжатли текширув ёки тафтишни тайинлаш) ўтказиш орқали амалга ошириш лозимлигини таъкидлаб, ушбу жараённи терговга қадар текширув деб аташни таклиф қилган⁹.

М.Д. Ботаев эса, юқорида келтирилган фикрларда олимлар терговга қадар текширув босқичини таркибий тузилишига тегишли бўлган жараёнларни акс эттирган бўлса-да, ушбу фикрлар бугунги кундаги терговга қадар текширувнинг моҳиятини тушунчасини тўлиқ очиб бермайди деган хулосага келиб, бу судгача бўлган иш юритишнинг алоҳида босқичидир деб таъкидлаган. Унинг фикрича, терговга қадар текширув бу ишни судга қадар юритишнинг алоҳида босқичи бўлиб, тегишли ваколатларга эга бўлган масъул давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш йўли билан қонуний ва асосланган ҳал қилув қарорини чиқаришга қаратилган процессуал ҳаракатлар тизимидир деб таърифлаган¹⁰.

Ушбу муаллифларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда, биз М.Д. Ботаевни терговга қадар текширув тушунчасига берган таърифига қўшилаемиз. Зеро, Жиноят-процессуал кодекснинг 85-моддасига кўра, исбот қилиш ишни қонуний,

⁷ Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, татиби ва хусусиятлари: Ўқув қўлланма. Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2016. – 4-б.

⁸ *Матмуродов А., Кенжабоев Д.* Жиноят процессуал қонунчилигида терговга қадар текширув институти: таҳлил ва такомиллаштириш масалалари. Юридик фанлар ахборотномаси 2-сон 2018. 121-б.

⁹ Безлепкин Б.Т. Уголовно-процессуальное право Российской Федерации: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. <http://lib.maupfib.kg/wp-content/uploads/uchebnoe-posobie.pdf> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.07.2022 й)

¹⁰ *Ботаев М.Д.* Терговга қадар текширув институти такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фалс. док-ри. (PhD). дис. автореф. – Т., 2020. – 54 б.



асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборатдир.

Соғлиққа қарши жиноятларда терговга қадар текширув босқичи бошқа турдаги жиноятлардан фарқли ўлароқ ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, айнан ушбу босқичда Жиноят-процессуал кодекснинг 82-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавfli оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги, жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари ҳамда бошқа ишга алоқадор далиллар ва исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар аниқланиб, якуни бўйича жиноят иши қўзғатиш, жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ёки тегишлилиги бўйича юбориш ҳақидаги қарорлардан бири қабул қилинади.

Шундай экан, жиноят содир этилган ҳолатни аниқлаш, шунингдек, текшириш ва фош қилиш учун унинг изларини топиш, аниқлаш ва олиб қўйишдаги муваффақият кўп жиҳатдан терговга қадар текширувни олиб бораётган мансабдор шахс, суриштирувчи ва терговчининг содир этилган қасддан баданга шикаст етказиш тўғрисидаги хабарларни текшириш жараёнидаги фаолияти самарадорлигига боғлиқ. Россиялик тадқиқотчи С.А. Новиков таъкидлаганидек, айнан терговга қадар текширув босқичида содир этилган жиноятнинг муҳим ҳолатларини аниқлаш имкониятлари юқори бўлади¹¹.

Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятлари бўйича терговга қадар текширув ҳаракатларини олиб бориш билан боғлиқ амалиётнинг таҳлили баъзи бир ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади.

Суд-тергов амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, соғлиққа қарши жиноятларда шикастнинг хусусияти ва унинг оғирлик даражаси фақат суд-тиббий экспертиза хулосаси асосида аниқланади. Бироқ ҳозирги вақтда амалиётда соғлиққа қарши қаратилган жиноятларда жабрланувчи экспертизадан ўтишдан бош тортган ёки қаршилиқ қилган ҳолларда терговга қадар текширув органлари томонидан асосиз равишда экспертиза ўтказилмай келинмоқда. Ушбу материаллар юзасидан эса жабрланувчининг экспертизадан ўтишдан бош тортганлиги асос қилиниб, ғайриқонуний равишда ЖПКнинг 83-моддаси тегишли бандларига асосан жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилиниб, қонун талаблари қўпол тарзда бузилмоқда. Ваҳоланки, амалдаги ЖПК 173-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида “етказилган тан жароҳатининг хусусияти ва оғирлик даражаси”ни аниқлаш бўйича экспертиза ўтказилиши шарт эканлиги белгиланган. Терговга қадар текшириш босқичида жиноятдан жабр чеккан шахсни суд-тиббий экспертизасини ўтишдан бош тортиш ҳолатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига оид ўтказилган сўров

¹¹ Новиков С.А. Материалы доследственной проверки в доказывании по уголовным делам: актуальные проблемы и новые подходы // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. 2013. № 3 (59). С. 74.



натижаларига кўра, амалиётчи ходимларнинг 65 фоизи сўнгги вақтларда бундай ҳолатлар жуда кўп учраётганлиги, 26 фоизи эса, ўзларида эмас, балки ҳамкасбларининг юритувидаги ишлар доирасида бундай вазиялар юзага келганлиги, 9 фоизи фаолияти давомида умуман бундай муаммога дуч келмаганлигини қайд этган.

Ўтказилган таҳлиллар жиноят иши қўзғатилгунига қадар тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказиш учун жиноятдан жабрланган ёки баданга шикаст етказган шахсларни чақириш, чақирувга биноан келмаганларни мажбурий келтириш, тайинланган экспертизадан ўтишдан бош тортган шахсларга нисбатан бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, қасддан баданга шикаст етказиш ҳодисалари бўйича аксарият ҳолатларда қонун талаблари тўлиқ бажарилмай қолмоқда. Чунки амалдаги ЖПКда чақирув қоғози фақатгина 97-моддаси назарда тутилган ҳолларда, яъни гувоҳ, жабрланувчи, шунингдек озодликда юрган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга чақирув қоғози билан чақирилишини кўзда тутати холос. Мажбурий келтириш эса гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳнинг жиноят ишлари бўйича процессуал ҳаракатларда ёки суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун, башарти улар узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортганлиги аниқланган тақдирда, қўлланилади. Бундан кўриниб турибдики, қасддан баданга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича жабрланган шахс белгиланган тартибда тайинланган судга оид тиббий экспертизадан ўтишдан бош тортса, қаршилиқ қилса ёки бўйин товласа ёхуд чақирувга биноан келмаса, терговга қадар текширув ҳаракатларини олиб бораётган мансабдор шахсда унга чақирув қоғози бериш ёки уни мажбурий келтириш ваколати мавжуд эмас. Бундан ҳолда фақатгина унга нисбатан таъсир чораси сифатида МЖТКнинг 194-моддасига асосан маъмурий баённома расмийлаштириш мумкин холос. Лекин буни биз натижа берадиган ҳуқуқий таъсир чораси дея олмаймиз. Шу ўринда, айрим хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратсак. Жумладан, Россия Федерацияси ЖКнинг 308-моддаси диспозициясига кўра, гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатув беришдан бош тортиши билан бирга жабрланувчининг гувоҳлантириш ўтказишдан, унинг розилиги талаб қилинмайдиган ҳолларда суд тиббий экспертизасидан ўтишдан ёки қиёсий тадқиқот учун қўл ёзуви намуналари ва бошқа намуналарни тақдим этишдан бўйин товлаши ҳам жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади. Юқоридаги омиллардан келиб чиққан ҳолда, жиноят қонунчилигимизда гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатув беришдан бош тортиши билан бирга гувоҳ ва жабрланувчининг гувоҳлантириш ўтказишдан, уларнинг розилиги талаб қилинмайдиган ҳолларда суд тиббий экспертизасидан ўтишдан ёки экспертиза текшируви учун намуналар олишдан бўйин товлаши ҳам жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлишини акс эттиришимиз, шунингдек, жиноят иши қўзғатилгунига қадар шахсларга чақирув қоғозини юбориш ҳамда чақирувга келмаган шахсларга нисбатан мажбурий келтириш процессуал мажбурият чорасини қўллаш мумкинлигига доир тартибни амалдаги жиноят-процессуал қонун нормасида акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтдаги суд-тергов амалиёти таҳлиллари соғлиққа қарши жиноятлар билан боғлиқ материаллар юзасидан кўздан кечириш,



гувоҳлантириш ва экспертиза текшируви учун намуна олиш каби тергов ҳаракатларини ўтказмасдан туриб, қонуний қарор қабул қилиш имконсиз эканлигини кўрсатмоқда. Бироқ, амалдаги ЖПКнинг 329-моддаси иккинчи қисмида терговга қадар текширув ҳаракатлари мобайнида фақатгина шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш ва тафтиш тайинлаш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Ваҳоланки, ахборот-технологиялари ривожланган айти вақтда аксарият содир этилган соғлиққа қарши жиноятлар кузатув камераларига қайд қилиниб қолган ҳолларда, терговга қадар текширув вақтидаёқ ходимлар томонидан олиниб, кўздан кечирилмоқда. Шунингдек, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш давомида қон ёки бошқа биологик ажралмалар аниқланганида, терговга қадар текширув вақтидаёқ гумондор шахслардан экспертиза текшируви учун қон, соч ёки бошқа биологик ажралмалардан намуна олинмоқда. Аксинча, аксарият соғлиққа қарши жиноятлар бўйича жабрланган фуқаро баданида мавжуд бўлган тез ўтиб кетувчи шилинма ёки тирналмалар турли мақсадларда судга оид тиббий экспертизаси кеч тайинланиши оқибатида тадқиқотга боргунга қадар йўқ бўлиб кетмоқда. Шу бўйича 250 дан ортиқ материаллар таҳлил қилинганида, 83 фоиз бўйича судга оид тиббий экспертизалар 7 кундан кейин тайинлангани аён бўлди.

Хулоса ўрнида, жиноят-процессуал қонунчилигимизда терговга қадар текширув босқичида соғлиққа қарши қаратилган ҳодисасида жиноят таркиби бор ёки йўқлигини аниқлаш, жиноят содир этганлиги ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчиларнинг тўғридан-тўғри кўрсатувлари бўлган шахсларнинг баданида тирналган, шилинган ёки бошқа излар мавжуд-мавжуд эмаслигига ойдинлик киритиш учун уларни гувоҳлантиришдан ўтказиш, вазият тақозо этган ҳолатларда гумонланган шахсларнинг ўзи ёки кийимидан экспертиза учун намуналар олиш, шунингдек, баданга шикаст етказиш қуроли сифатида фойдаланилган буюм ва бошқа жиҳозларни тезкорлик билан кўздан кечириш имкониятини яратиш мақсадида жиноят ишини қўзғатилгунига қадар кўздан кечириш, гувоҳлантириш ва экспертиза текшируви учун намуналар олиш каби тергов ҳаракатларини ўтказиш тартибини жорий этиш зарур.

References:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13-моддаси.
3. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.
4. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт.
5. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги 265-1-сонли Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонуни.
6. А.А.Отажонов “Шахсга қарши жиноятлар” ўқув қўлланма. Т., 2012 – Б. 24-26.
7. Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, татиби ва хусусиятлари: Ўқув қўлланма. – Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2016. – 4-б.
8. Матмуродов А., Кенжабоев Д.Жиноят процессуал қонунчилигида терговга қадар текширув институти: таҳлил ва такомиллаштириш масалалари. Юридик фанлар ахборотномаси 2-сон 2018. 121-б.



9. Безлепкин Б.Т. Уголовно-процессуальное право Российской Федерации: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп.
10. Ботаев М.Д Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фалс. док-ри. (PhD). дис. автореф. – Т., 2020. – 54 б.
11. Новиков С.А. Материалы доследственной проверки в доказывании по уголовным делам: актуальные проблемы и новые подходы // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. 2013. № 3 (59). С. 74.